ҚАРШИ ТУМАНИ ҲОКИМИНИНГ

ҚАРОРИ

ПОСТАНОВЛЕНИЕ

ХОКИМА КАРШИНСКОГО РАЙОНА

2017 yil "25" Январ X75/1-sonli Beshkent shahri

Туманда 2017 йилда автомототранспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 1-2-сон, 17-модда) билан тасдиқланган "Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги низомни ижросини таъминлаш мақсадида "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993., 9-сон, 320-моддаси)нинг 6-моддасига асосан,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Туман ҳудудида жойлашган барча юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган транспорт воситалари мажбурий техник кўрикдан ўтказилсин.

2. Мажбурий техник кўрикдан ўтказиш бўйича туман комиссиясининг таркиби 1-иловага, техник кўрикдан ўтказиш жадвали 2-иловага мувофик тасдиклансин.

3. Транспорт воситалари қўйидаги даврийликка мувофик техник кўрикдан ўтказилсин:

тижорат асосида йўловчилар ташиш учун фойдаланиладиган енгил автомобиллар, автобуслар ва ўтириладиган жойлар сони 8 та ва ундан ортик бўлган, одамларни мунтазам ташиш учун жихозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазнли ва хавфли юкларни ташиш учун махсус транспорт воситалари ва уларга тиркамалар - бир йилда икки марта;

ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан кўп бўлмаган транспорт воситалари (мазкур бандниг иккинчи хатбошида кўрсатилган транспорт

воситаларидан ташқари) - икки йилда бир марта;

ишлаб чиқарилган йилини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан ортиқ бўлган транспорт воситалари, шунингдек ишлаб чиқарилган вакти аниқланмаган транспорт воситалари (мазкур бандниг иккинчи хатбошида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) - бир йилда бир марта;

тиркамалар-кўрикка транспорт воситаси шатакчи учун белгиланган муддатларда;

4. Қарорнинг 3-банди иккинчи хат бошида кўрсатилган транспорт воситаларининг техник кўриги:

биринчи марта- 1 мартдан - 30 июнгача;

иккинчи марта- 1 сентябрдан - 31 октябргача ўтказилади.

юридик шахсларга тегишли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 1 март - 30 июнда ўтказилади.

жисмоний шахсларга тегишли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 1 январдан - 31 августгача ўтказилсин.

5. Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш туман комиссияси раҳбарига:

транспорт воситаларининг техник ҳолати, улардан фойдаланиш нормалари ва қоидаларига риоя этилиши устидан самарали назоратни ташкил этиш;

транспорт воситаларининг техник ҳолати ва ускуналари йўл ҳаракати хавфсизлиги стандартлари, қоидалари, нормаларига мувофиқлигини баҳолаш юклатилсин.

6. Тумандаги барча транспорт воситалари эгалари бўлган юридик ва жисмоний шахсларга транспорт воситаларини техник паспорт билан биргаликда техник кўрикдан ўтказилишини, уларнинг техник жиҳатдан созлигини ва ўз вактида режа жадвал асосида кўрикдан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сон “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори 3-бандига кўра, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг ички ва сокчилик қўшинлари, Миллий хавфсизлик хизматининг ҳарбий бўлинмалари транспорт воситалари кўрсатиб ўтилган идоралар томонидан белгиланган тартибда мажбурий техник кўрикдан ўтказилиши инобатга олинсин.

8. Транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказилганлиги учун Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги низомга мувофик йиғим ундирилсин.

9. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан туман ҳокимининг 2016 йил 10-февралдаги Х-95/2-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари И.Мадатов зиммасига юклатилсин.

11. Мазкур қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Туман ҳокими: **А.Бойқароев**

ASLIGA TO'G'RI
Qarshi tumani hokimligi
Umumiy bo'lim mudiri

Туман ҳокимининг 2017 йил
“25” январь х 75/1-сонли
қарорига 1-илова

Қарши тумани ҳудудида 2017 йил автомототранспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш комиссияси

Т А Р К И Б И

Ф.Дониев	туман ИИБ йул харакати хавфсизлиги бўлинмаси, автомототранспорт воситаларининг техник ҳолати ва улардан фойдаланишни назорат этиш бўлинмаси катта инспсктори **комиссия раиси**

Аъзолари

А. Ахмедов	туман Табиатни муҳофаза килиш инспекцияси бошлиги
У.Турсунов	туман “Ватанпарвар” ташкилоти раиси
Т.Мўминов	Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги худудий бўлинмаси ходими
Б.Туйчиев	Туман ҳарбий резерв хизматга олиш хизмат бўлинмаси ёрдамчиси
И.Бобоев	туман ИИБ ЙҲХБ жамоатчилик вакили
Х.Эсонов	туман ИИБ ЙҲХБ жамоатчилик вакили
Ф.Норов.	туман “Агросугурта” МЧЖ директори

Туман хокимининг 2017 йил
“25” январ X 7571-сонли
қарорига 2-илова

Қарши туманида мавжуд бўлган ташкилот, корхона ва автохўжаликларга тегишли автомототранспорт воситаларининг 2017 йилги мажбурий техник кўрикдан ўтказиш

Ж А Д В А Л И

	Автохўжалик ва ташкилотлар номи	Жойлашган манзили	Кўрикдан ўтадиган кун	Вақти	Кўрик ўтадиган жой	Транспорт воситаси сони
1	Туман ДСЭНМ	Карши т Хамза куча	01.03.2017	09 00	Автосорой	3
2	Ветеринария бўлими	Карши т Хамза куча	02.03.2017	09 00	Автосорой	3
3	Қовчин касб-хунар коллежи	Карши т Ковчин кишлоги	03.03.2017	09 00	Автосорой	4
4	Бешкент касб-хунар коллежи	Карши т Бешкент кишлоги	06.03.2017	09 00	Автосорой	4
5	Туман тиббиёт бирлашмаси	Карши т Б.Эргашов	07.03.2017	09 00	Автосорой	13
6	Мир-Саид Фатхулло	Карши т Потрон кишлоги	09.03.2017	09 00	Автосорой	4
7	Ҳакимова М.Х.	Карши т Потрон кишлоги	10.03.2017	09 00	Автосорой	3
8	Мелиотаъмиркурилиш МЧЖ	Карши туман Бешкент ш	13.03.2017	09 00	Автосорой	4
9	Коргар МЧЖ	Карши туман Хонобод	14.03.2017	09 00	Автосорой	18
10	Воха-саноат сервис МЧЖ	Бешкент айланма йўли	15.03.2017	09 00	Автосорой	6
11	Қарши стандарт эталон МЧЖ	Янгиобод к	16.03.2017	09 00	Автосорой	5
12	Сухроббек савдо люкс МЧЖ	Бешкент йўли 3км	17.03.2017	09 00	Автосорой	11
13	Люкс-Беер хусусий корхонаси	Янгиобод к	20.03.2017	09 00	Автосорой	7
14	Мебел сервис нур хусусий корхонаси	Потрон к	21.03.2017	09 00	Автосорой	5
15	Шарофиддин Нурилло МЧЖ	Бешкент ш. Ҳамза 4	22.03.2017	09 00	Автосорой	31
16	“Бешкентйўловчитранс” хус.кор	Қарши т Бешкент к	23.03.2017	09 00	Автосорой	27
17	“Усмонов Б.Ч.” МЧЖ	Қарши т Батош к	24.03.2017	09 00	Автосорой	25
18	“Умаров И.И.” МЧЖ	Бешкент ш Ҳамза к	27.03.2017	09 00	Автосорой	14
19	Мелиотаъмиркурилиш МЧЖ	Бешкент ш Сайилгох кўча	28.03.2017	09 00	Автосорой	4
20	Ватанпарвар МКТ	Бешкент ш	29.03.2017	09 00	Автосорой	9
21	“Трансавтоюк” МЧЖ	Қарши т Комсомол к	30.03.2017	09 00	Автосорой	25
22	“Нахшаб” Агротранс	Қарши т	31.03.2017	09 00	Автосорой	15

	МЧЖ	Комсомол к				
23	“Бахти бобо” дех.фер.хўж.	Қарши т Чоргумбаз к	03.04.2017	09 ^{00}	Автосорой	5
24	Гиссарнефтгаз МЧЖ	Қарши т Дашт бек.	04.042017	09 ^{00}	Автосорой	156
25	Аргус-Контрактион КТИЧ корхонаси	Бешкент ш Сохибкор к	05.04.2017	09 ^{00}	Автосорой	5
26	Мирмиронавтофайз МЧЖ	Қарши т Мирмирон к	06.04.2017	09 ^{00}	Автосорой	6
27	Универсал ТТИЧ	Қарши т Мирмирон к	07.04.2017	09 ^{00}	Автосорой	5
28	Гидротех-Ирригация ХИЧК	Қарши т Комсомол к	10.04.2017	09 ^{00}	Автосорой	8
29	Сувчи-Ирригатор МЧЖ	Қарши туман Комсомол к	11.04.2017	09 ^{00}	Автосорой	5
30	Абдулла Ота хкхк корх	Бешкент ш Б.Эргашев	12.04.2017	09 ^{00}	Автосорой	6
31	Узгазоил УГРР	Қарши т Дашт бек	13.04.2017	09 ^{00}	Автосорой	34
32	КМУС-93	Қарши т Дашт бек	14.04.2017	09 ^{00}	Автосорой	11
33	18-сон Қурилиш и/ч корх	Қарши т Дашт бек	17.04.2017	09 ^{00}	Автосорой	12
34	ММКК-413	Қарши т Дашт бек	18.04.2017	09 ^{00}	Автосорой	12
35	Қарши Саноат мелиорация курилиш МЧЖ	Қарши т Ертепа к	19.04.2017	09 ^{00}	Автосорой	6
36	Қарши транс люкс хус.корх.	Қарши т Парғўза к	20.04.2017	09 ^{00}	Автосорой	11
37	Аврора Автокамаз хизмати хус. корх.	Қарши т Тол к	21.04.2017	09 ^{00}	Автосорой	6
38	Капитал нефтгаз курилиш инвест МЧЖ	Қарши т Боғобод к	24.04.2017	09 ^{00}	Автосорой	12
39	Қарши Банкстройсервис МЧЖ	Қарши т Хонобод к	25.04.2017	09 ^{00}	Автосорой	5
40	Акбар Алянс Нур МЧЖ	Қарши т Пистакент к	26.04.2017	09 ^{00}	Автосорой	5
41	Бунёдкор МЧЖ	Қарши т Мустақиллик к	27.04.2017	09 ^{00}	Автосорой	7
42	Персонал курилиш савдо МЧЖ	Уз.Мустак к	28.04.2017	09 ^{00}	Автосорой	4
43	Сардор Авто юк МЧЖ (АНК-11)	Мустақиллик к	01.05.2017	09 ^{00}	Автосорой	15
44	OILGASSERVISINVEST МЧЖ	Қарши т Дашт ст	02.05.2017	09 ^{00}	Автосорой	5
45	UZVEROC Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси МЧЖ	Қарши т Дашт ст	03.05.2017	09 ^{00}	Автосорой	7
46	Экспресс темир бетон сервис МЧЖ	Қарши т Ертепа к	04.05.2017	09 ^{00}	Автосорой	9
47	Сувонов Дилшодбек Ойбекович хус.корх.	Бешкент йўли 3км	05.05.2017	09 ^{00}	Автосорой	4
48	Замин Ҳамкор курилиш таъмир МЧЖ	Қарши т Янгиобод к	08.05.2017	09 ^{00}	Автосорой	4

49	Бешкент йўл курилиш	Бешкент ш айланма йўл	10.05.2017	09 ^{00}	Автосорой	8
50	МРСУ-36 х.к.	Бешкент ш айланма йўл	11.05.2017	09 ^{00}	Автосорой	4
51	Агромехтаъмирчи МЧЖ	Бешкент ш айланма йўл	12.05.2017	09 ^{00}	Автосорой	5
52	Қарши ТЭТ	Бешкент ш айланма йўл	15.05.2017	09 ^{00}	Автосорой	7
53	Гидротех Ирригация ХИЧК	Бешкент ш айланма йўл	16.05.2017	09 ^{00}	Автосорой	16
54	Қашқадарё Гидроеолгия станцияси	Қарши т Гидроузел п	17.05.2017	09 ^{00}	Автосорой	2
55	Аму Қашқадарё ИТХБ	Қарши т Гидроузел п	18.05.2017	09 ^{00}	Автосорой	15
56	10 МИБ МЧЖ	Бешкент ш Мустақиллик 40	19.05.2017	09 ^{00}	Автосорой	19
57	Қарши МКИТ бошқармаси(УОС)	Қарши т Мирмирон к	22.05.2017	09 ^{00}	Автосорой	28
58	Бешкент саноат и/ч хус.кор.	Бешкент ш Ҳамза 21	23.05.2017	09 ^{00}	Автосорой	4
59	Бешкент исузиавтохолдинг МЧЖ	Бешкент ш Ҳамза 4	24.05.2017	09 ^{00}	ИИБ ЙХХБ	2
60	Қарши т Молия бўлими	Бешкент ш Ҳамза 11	25.05.2017	09 ^{00}	ИИБ ЙХХБ	1
61	Нормўмин бобо ф/х	Қарши т Янгибоғ к	26.05.2017	09 ^{00}	ИИБ ЙХХБ	1
62	Ҳотам ўғли Аллаёр бобо ф/х	Қарши т Бакирчи к	29.05.2017	09 ^{00}	ИИБ ЙХХБ	1
63	Окила Шеркуловна оилавий корхонаси	Қарши т Қоратепа к	30.05.2017	09 ^{00}	ИИБ ЙХХБ	1
64	Агромелиомаслахат МЧЖ	Қарши т Янгибоғ к	31.05.2017	09 ^{00}	ИИБ ЙХХБ	2
65	Сигнал стандарт оилавий корхонаси	Қарши т Арабхона к	01.06.2017	09 ^{00}	ИИБ ЙХХБ	1
66	Жахонгир хамкортранс МЧЖ	Қарши т Дашт к	02.06.2017	09 ^{00}	Автосорой	6
67	Замон зайли Бунёд хус. кор.	Қарши т Говхона к	05.06.2017	09 ^{00}	ИИБ ЙХХБ	2
68	Қашкадарё Агротехинвест продукт фери.хўж.	Қарши т Манғит к	06.06.2017	09 ^{00}	ИИБ ЙХХБ	1
69	Сувчи Чўлда фер. хўж.	Қарши т Дашт к	07.06.2017	09 ^{00}	Автосорой	3
70	Эшон Тўйчиев фер.хўж	Қарши т Хитойкенти к	08.06.2017	09 ^{00}	Автосорой	3
71	Афруза бизнес патнёр МЧЖ	Қарши т Кахлак к	09.06.2017	09 ^{00}	Автосорой	3

Жадвалии тузди;

Карши туман ИИБ ЙХХБ
катта инспектори **Ф.Дониев**